

АМИР ҲАЙДАР ДАВРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

Наврўзбек Каримов

Навоий давлат педагогика институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7731239>

Мақолада XIX аср бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий аҳвол, Амир Ҳайдарнинг ҳукмронлиги даврида қўшин тузилиши, вилоят амирларининг исёнлари ва мамлакатда юз берган қўзғалонлар ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. Бу даврда мамлакатда юз берган сиёсий вазият, Амир Ҳайдарнинг уларни бартараф этиш чоралари муҳим манбалар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мунтазам қўшин, Дин Носирбек, Султонбанд, Миёнқол, қўзғолонлар, Ниёзбек парвоначи

Амир Шохмуроддан сўнг амирлик тахти унинг ўғли Амир Ҳайдар (1800-1826)га ўтади. Бу ҳақида Муҳаммад Ҳакимхон ўзининг “Мунтахаб ат-таворих”асарида қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдиради: “Шохмурод бийнинг уч нафар баркамол ўғли бор эди: Амир Ҳайдар подшоҳ, Дин Носирхон ва Муҳаммад Ҳусайинхон. Амир Ҳайдар подшоҳнинг онаси Абулфайзхон аштархонийнинг қизи эди. Қарши ҳукумати шу амирга қарашли эди. Дин Носирхон Марви Шохжаҳонда ҳукмронлик қиларди. Муҳаммад Ҳусайинбек Самаркандда амирлик мансабида ўтирганди. Шохмуродбийнинг умри муддати олтмиш беш ёш бўлди. Амирлиги ўн етти йил давом этди. Ўрнига амир Ҳайдар подшоҳ салтанат тахтига ўтирди ва тахт поясини осмон томи устига қўйди”¹.

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлатнинг сиёсий аҳволи биринчи навбатда қўшиннинг қудратига ҳам боғлиқ. Чунки бу даврда мамлакат қудрати кучли қўшиннинг мавжудлиги билан ҳам белгиланар эди. Бухоро амирлари ҳам бу омилга алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатда XIX аср бошларидан Бухоро амирлари мунтазам қўшин тузишга киришди. Бу ишни Амир Ҳайдар бошлаб берди. Амир Ҳайдар мунтазам қўшин тузибгина қолмасдан унинг таъминотига ҳам эътибор қаратган. Чунончи, Тарихчи Муҳаммад Ёқуб Бухорий ибн Амир Дониёлнинг “Туркистон ал-мулук” асарида ёзилишича “Амир Саид Ҳайдар бошқа манғит ҳукмдорларидан фарқли равишда ўз қўшинидаги аскарларга мунтазам равишда яхши маош тўлаган. Бундан ташқари у мамлакатдаги бир неча минг солиқчилар (амалдорлар)га йиллик маош тўлаган ва уларга ҳар йили 2 матра сарупо улашган”².

Амир Ҳайдар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга қанчалик ҳаракат қилмасин унинг даврида ҳам норозилик ҳаракатлари бўлиб турган. Айрим вилоятлар ҳукмдорлари унинг тажрибасизлигидан фойдаланиб, марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка уринганлар. Бироқ Амир Ҳайдар катта қийинчиликлар билан бўлса-да, улардан аксариятининг қаршилигини синдирган ва марказий ҳокимиятга бўйсундирган. Бу ҳақида тарихчи Ҳалим Тўраев ўз китобида шундай ёзади: “ Унинг ҳукмронлик йилларида мамлакатда нотинчлик ҳукм суради, яъни марказ ва вилоятлар

¹ Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010. 49-бет.

² Ражабов Қ. Амир Ҳайдар ёхуд амири сайид // “Бухоро мавжлари”, 2006. №2. – Б. 42.

хамда кечагина вилоят мақомида бўлган, лекин эндиликда алоҳида сиёсий бирлик - хонликка айланган Хива ва Қўқон билан қарама-қаршиликлар авжига чиқади ва мамлакатда ҳар 3-6 ойда узлуксиз ички урушлар ва қўзғолонлар бўлиб турар эди. Миёнқол, Шаҳрисабз, Карки, Марвдаги маҳаллий кучлар яна ўзбошимчалик қила бошлайди. Амир Ҳайдар айирмачилик кайфиятларни намоён қилаётган Шаҳрисабз, Китоб, Ургут бекликлари, Миёнқол ва Самарқанд ҳокимларига қарши жанглар олиб боришга мажбур бўлган”³.

Бу даврда қўшни давлат ҳукмдорлари ҳам амирликнинг сиёсий аҳволини оғирлаштиришга ҳам ҳаракат қилади. Амир Ҳайдар даврида 1800 йилда Марв туркманлари ўлпон йиғиш сиёсатидан норози бўлиб қўзғолон кўтардилар. Амир Ҳайдар қаттиққўллик билан бу қўзғолонни бостиради. Бироқ Марвликлар 1804 йилда яна бош кўтардилар. Бу сафар қўзғолонга амирнинг укаси Дин Носирбек бошчилик қилади. Бу исёнга Хива хони Элтузархон ҳам аралашади. Бу ҳақида олим Қ. Ражабов ўзининг мақоласида шундай ёзади: “Марв ҳокими Дин Носирбек Хива хони Элтузархон кутқусига учиб, акасига қарши бош кўтарди(1804) ва мағлубиятга учради”⁴. Амир Ҳайдар учун укасининг исёни ниҳоятда хавфли ҳолат эди. Чунки бу шунчаки бир вилоятнинг марказга бўйсунмаслиги эмас, балки расмий сулола вакилининг муҳолифатда бўлган хиваликлар билан тил бириктириб, олий ҳокимиятга қарши кўтарган исёни эди. Шунинг учун ҳам Амир Ҳайдар Марв қўзғалонини бостириш чорасини кўради. Амир Ҳайдар Марв воҳасини сув билан таъминлаб турган Султонбанд тўғонини буздирди. Натижада бир неча вақт сувсиз қолдирилган Марв аҳолиси жангни тўхтатишга мажбур бўлди. Шу тариқа бу қўзғалон ҳам бостирилди. Бу ҳақида Мирзо Салимбек ўзининг “Кашкўли Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин” асарида ёзади: “Дин Носирбек ибн амир Маъсум Марвдан турт минг лашкар билан Чоржуй устига келиб амир Ҳайдар ун минг баходирга Ниёзбек парвоначини бошлик, килиб юборди. Бориб жанг килиб, икки минг киши Дин Носирбек лашкаридан халок булди, бошқалар таслим булдилар. Парвоначи Дин Носирнинг оркасидан тақиб килиб, Марвгача бориб, Марвдаги Султон бандини (туғонни) бузиб, кайтди. Марвдаги экинлар сувсизликдан куриб колди. Бир минг икки юз йигирма биринчи йилда хижрийда Дин Носирбек билан аҳли аёли Махшадга бориб жойлашдилар. Марвда турт йил ҳоким йук эди. Амир Ҳайдар туркманлардан икки юз хонадонни Марвга кучириб, уларнинг бошликлари Ёрлакаб бийни Марвга ҳоким килиб тайинлади”⁵.

Марв қўзғалони бостирилган билан Хиваликларнинг амирликка қарши ҳаракатлари тўхтаб қолмади. Хива қўшинларининг амирлик сарҳадларига, ҳатто мамлакат ичкарасига қилган талончилик ҳужумлари кучайди. Шундай юришларнинг бирида Хива хони Элтузархон қўшинлари Ниёзбек парвоначи бошчилигидаги Бухоро қўшинларидан мағлубиятга учрайди. Амир Ҳайдар мурувват кўрсатиб Элтузархоннинг укаси Қутлуғ

³ Ҳалим Тўраев. Бухоро тарихи. – Бухоро: “Дурдона”, 2020. 186-бет.

⁴ Ражабов Қ. Амир Ҳайдар //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 11.-Тошкент: ЎзМЕ Давлат илмий нашриёти, 2005.276-бет.

⁵ Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин. Форс-тожик тилидан ўзбекчага доцент Нарзулло Йўлдошев ўгирган. - Бухоро: “Бухоро”,2003. 294-бет.

Муродхонни Урганчга ҳоким этиб тайинлайди. Бу ҳақида Саййид Мансур Олимий ўзининг “Бухоро – Туркистон бешиги” асарида қуйидагиларни келтиради: “Амир Саййид Ҳайдар Ниёзбек парвоначи бошчилигида 20 минг лашкарни Хоразм тарафга сафарбар килди. Элтузархон Амударёдан ўтгандан сўнг Бухоро ва Хоразм лашкарлари ўртасида жанг бўлиб, хоразмликлар талафот кўрдилар. Элтузархон бир неча аскарлари билан асирга олиниб Бухорога келтирилди. Амир Ҳайдар фармони билан Элтузархон ва унинг икки укаси осиб ўлдирилди. Унинг учинчи укаси Кутлуғ Муродхон эса тўрт юз киши билан бирга асирликдан озод қилиниб Урганч ҳокими этиб тайинлади”⁶. Бироқ Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I томонидан қилинган ҳарбий юришлар натижасида Марв шаҳри қўлдан кетади.

Амир Ҳайдар даврида Қўқон хонлиги билан ҳам муносабатлар кескинлашади. Бунга сабаб Қўқон хонларининг азалдан Бухоро амирлиги тасарруфида бўлган Хўжанд, Жиззах, Ўратепа, Самарқанд, Тошкент ва Туркистон ҳудудларига таҳдид солганлиги сабаб бўлди. Бу ҳақида Азамат Зиё ўзининг “Ўзбек давлатчилиги тарихи” китобида қуйидагича маълумот беради: “Қўқон ҳукмдорлари 1805 йили Хўжандни, 1809 йили Тошкентни, 1816-йилиеса Туркистонни ишғол этиб хонлик доирасига киритадилар. 1806-1813 йилларда Ўратепага, 1806 йили Жиззахга, 1821 йили Самарқандга таҳдид солганлар”⁷. Бундан ташқари мамлакатнинг турли ҳудудларида марказий ҳокимиятга қарши исёнлар юз бериб турди. Айниқса 1821-1825 йилларда Амир Ҳайдарнинг Миёнқол водийсида яшайдиган хитой-қипчоқларга ва уларга қўшилган қорақолпоқларга қарши олиб борган урушлари шиддатли бўлди. Қўзғолоннинг асосий сабаби солиқ сиёсатининг оғир оқибатлари эди. Тез орада қўзғолончилар Каттакўрғон, Янгиқўрғон ва Челак шаҳарларини эгалладилар. Қўзғолон тўрт йил давом этди ва 1825 йилда бостирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Ҳайдар ўз ҳукмронлиги даврида амирликнинг сиёсий аҳволини мустаҳкамаш учун асосан ички ва ташқи душманларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлади. Шаҳрисабз, Марв, Миёнқол, Самарқанд бекликларида бўлиб ўтган ғалаёнлар, Марв воҳаси учун Хива хони билан олиб борилган урушлар амир Ҳайдарни ҳарбий-сиёсий ислохотлар ўтказишга мажбур қилади. Амир Ҳайдар бошқа манғит ҳукмдорларидан фарқли равишда ўз қўшинидаги аскарларга мунтазам равишда яхши маош тўлаб, қўшиннинг моддий таминотига алоҳида эътибор қаратади. Амирликда хитой-қипчоқлар томонидан юзага келиб турадиган турли можароларни олдини олишга астойдил ҳаракат қилади. Амир Ҳайдар ҳукмронлик даври қанчалик таҳликали, зиддиятли бўлмасин, у ички ва ташқи душманларга қарши курашиш билан бирга мамлакатда бирқатор ислохотларни амалга оширишга муваффақ бўлди.

⁶ Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги. Форс тилидан таржима, таржимон номидан сўзбоши ва айрим изоҳлар муаллифи Ҳалим Тўраев. – Бухоро: “Бухоро”, 2004.43-бет.

⁷ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: “Шарқ”, 2001.283-бет.

References:

1. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010.
2. Ражабов Қ. Амир Ҳайдар ёхуд амири саййид // “Бухоро мавжлари”, 2006. №2.
3. Ҳалим Тўраев. Бухоро тарихи. – Бухоро: “Дурдона”, 2020.
4. Ражабов Қ. Амир Ҳайдар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 11.-Тошкент: ЎзМЕ Давлат илмий нашриёти, 2005.
5. Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин. Форс-тожик тилидан ўзбекчага доцент Нарзулло Йўлдошев ўгирган. - Бухоро: “Бухоро”, 2003.
6. Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги. Форс тилидан таржима, таржимон номидан сўзбоши ва айрим изоҳлар муаллифи Ҳалим Тўраев. – Бухоро: “Бухоро”, 2004.
7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: “Шарқ”, 2001.